## «ЖАНГОВАР ЎҚУВДАГИ ЮТУҚЛАРИМИЗ – ИСТИҚЛОЛ АЙЁМИГА»

Фоторепортаж

# ГРУППА УХОДИТ В ПОИСК

**Капитан Акмальжон ОРТИКОВ, ставший в минувшем году победителем республиканского финала соревнования на звание «Лучший командир взвода», находился на полигоне. У разведчиков проходил недельный полевой выход.**

Боевая группа под командованием старшего лейтенанта Анвара Хамидова получила задачу на ведение поиска условного противника в указанном квадрате местности. Развернув перед собой карту, командир взвода с командиром группы, его заместителем младшим сержантом по контракту Нодиром Абдурахмоновым и огнеметчиком младшим сержантом по контракту Бахтиером Хужамбердиевым уточняют план предстоящих действий. После полного согласования задач группа уходит в поиск.

По пути заместитель командира группы проводит занятие по горной подготовке. Тема – техника преодоления горных препятствий, передвижение по крупным камням и осыпям. Казалось, ну что тут сложного, перепрыгивай себе с камня на камень. Ан нет – любое неосторожное движение может не только вызвать ненужный шум от падения камней, но и обернуться травмой. Тогда пострадавший станет обузой, сковывая движение группы по маршруту.

Поэтому разведчики предельно внимательно повторяют движения наставника, стремясь идти по тропе неслышно и скрытно.

После короткого привала — сеанс связи с полевым лагерем, проведенный с помощью радиотелефониста младшего сержанта Фахриддина Тангирова. Опытный связист со всей осторожностью ведет переговоры, учитывая возможность радиоперехвата. Ни одного лишнего слова, для передачи информации строго применяется таблица условных обозначений. Не подводит и техника – на тот случай, если сядут батарейки, имеется запасной комплект.

Переступая по каменистому дну неглубокой горной речушки, ребята тянутся заполнить водой фляжки, но тут же следует вводная команда: «Источник отравлен». А значит, младшим сержантам по контракту Дмитрию Агешину и Максуду Ниязову надо с помощью специальных средств определить класс отравляющего вещества, чтобы правильно провести «обеззараживание» источника. Вот и у фельдшера группы младшего сержанта по контракту Бекзода Расулова нашелся повод для занятия по военно-медицинской подготовке – одного из разведчиков «укусил» скорпион. Быстро удалив яд из ранки, медик вводит сыворотку – теперь можно идти дальше.

Конечно, все эти так называемые «приключения» специально введены в программу занятия с тем, чтобы в реальной боевой обстановке воины действовали уверенно и четко, слаженно противостояли сбивающим факторам. Наконец группа обнаруживает условного противника. После доклада на базу получили команду организовать засаду и «уничтожить» незваных «гостей». На авансцену событий выходят мастера меткого огня – младшие сержанты по контракту Валижон Сайназаров и Авазбек Мардиев. Если задача снайпера – вызвать сумятицу и панику первыми разящими выстрелами, то пулеметчик должен довершить разгром деморализованного «противника», не дав ему опомниться и завязать встречный бой. Так все и произошло.

Победа в учебном бою вдохновила воинов на новые достижения в ратном труде. Ведь им еще предстоит отработать действия в налете, при освобождении «заложников», захвате «пленных». В минувшем году подчиненные капитана А.Ортикова были признаны лучшими на состязаниях армейских разведчиков. Увиденное подтвердило, что передовой коллектив и впредь не намерен уступать лидирующих позиций.







Халқ ва армия – якдил

# «МУНАВВАР ТОНГ» — ҲАРБИЙЛАР ҲУЗУРИДА

**Яқинда Ўзбекистон телевидениеси «Ёшлар» каналининг «Мунаввар тонг» кўрсатуви ижодкорлари Тошкент ҳарбий округидаги қисмлардан бирига ташриф буюрдилар. Ойнаи жаҳон орқали юртимиз ёшларига ватанпарварлик туйғуларини мунтазам сингдириб бораётган, халқимизга она Ватанимиз ҳимоячиларининг машаққатли, аммо шарафли хизматларидан турли хабар ва маълумотлар тақдим этиб келаётган телеижодкорлар бу гал ҳам қизиқарли лавҳаларни тасвирга олишди.**

Ҳарбий жамоа аъзолари учун ушбу кун қўшалоқ қувонч билан эсда қоладиган бўлди – чунки улар ҳузурига Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли санъаткорлари ҳам келган эди. Даврани усталик билан олиб борган қизиқчи — шартнома бўйича хизмат сержанти Баҳромжон Маҳмудов ўртага хушовоз хонандалар ва раққосаларни кетмакет таклиф қилганда, қисм штаби олдидаги ҳовлида гулдурос қарсаклар сира тўхтамади. Шундай илиқ муносабатдан завқ олаётган санъат усталари ҳам бор маҳоратини кўрсатишга ҳаракат қилдилар.

Томошабинларда катта таассуротлар қолдирган «Менинг армиям» қўшиғи яккахон хонандалар Умид Ҳайдаралиев ва Наргиза Ёндошевалар томонидан жуда таъсирчан ижро этилди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист майор Шуҳрат Дадажоновнинг ижросида биринчи бор мухлисларга тақдим этилган «Гўзалсан» қўшиғи, Ирода Искандарова ижросидаги «Офицерлар» қўшиғи ҳам барча тингловчиларга манзур бўлди. Раққосалар гуруҳи намойиш этган жаҳон халқлари рақси намуналаридан тузилган «Попурри» ҳам ўта муваффақиятли чиқди.

— Армиядаги йигитларимиз учун яратилган шарт-шароитларини кўриб, кўзимиз қувонди, — дейди биз билан суҳбатда «Мунаввар тонг» кўрсатуви жума дастури ижодий гуруҳ раҳбари Ҳулкар Тўраева. – Мазкур ҳарбий жамоа мисолида аскарнинг бир кунини тасвирга олишни ўзимиз учун мақсад қилиб қўйганмиз. Эрталабки бадантарбиясидан тортиб, бутун жанговар ўқув жараёни билан томошабинларни таништиришни режалаштирганмиз. Бўлинма ҳудудидан олисда жойлашган полигонга ҳам ўтамиз. Аскарлик бурчини ўташга тайргарлик кўраётган ёшларимиз бугунги армиямиз ҳақида тўла тасаввурга эга бўлмоғи лозим.

Командирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари капитан Акмалжон Ошиқов ижодий гуруҳ раҳбари ва режиссёр Зуҳроб Мирзааҳмедов билан суҳбатлашиб, эртанги кун режаларини тузаётганларида, уларни суратга олдик. Саранжом-саришта аскар ётоқхонасини, янги ишга тушган спорт залидаги мушакларни чиниқтиришга мўлжалланган анжомларни, ям-яшил стадионни, жанговар машиналар паркида «саф тортган» кудратли техникаларни кўрганларида, ижодий гуруҳ таркибидаги ёш йигитларнинг кўзларида ўт чақнаб, тенгдошларига ҳавас билан боқишарди. Демак, армиямиз сафларини эртага тўлдирадиган ёшларга мазкур ҳарбий жамоада тасвирга олинган лавҳалар кўрсатув орқали тўла етказилгач, уларда ватанпарварлик туйғулари янаям жўш уриб, эр йигитларнинг шижоатлари тобора ортса, ажабмас.






# ШАРАФЛИ НОМГА МУНОСИБ

Ҳаво десантчилари бўлинмаси Қуролли Кучларимиз миқёсида ҳар тарафлама ўзига хос ўрин тутган илғор ҳарбий жамоалардан саналади. Бу ерда жанговар санъат илмини пухта ўзлаштириб, она Ватан осойишталиги йўлида мардона хизмат бурчини адо этиб келаётган ҳарбий хизматчиларни ҳақли равишда, кўпчиликнинг назаридаги мағрур бургутлар десак, асло хато қилмаган бўламиз. Чунки десантчилик ўта мураккаб бўлиши билан бирга, беқиёс ғурур-ифтихор рамзи ҳамдир. Келажакда эгнига ҳарбий либосни кийиб, ҳақиқий аскар бўлишни орзу қилаётган ёшларнинг кўпчилиги «само лочини», яъни десантчиликка қизиқиши сир эмас.

Ушбу бўлинмада хизмат бурчини ўташ асносида эзгу фазилатлари, юқори жанговар шайлиги ва жасоратлари туфайли давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган офицерларимиз ҳақида ҳам эшитгансиз, албатта. Булар жумласига кўксини «Жасорат» медали безаб турган капитанлар – Акбар Парпиев, Жаҳонгир Қодиров ва Мирзахўжа Сўпихўжаевларни киритиш мумкин. Айни кунларда эса ҳарбий жамоада ёзги мавсум ўқув машғулотлари уюшқоқлик билан, юқори савияда давом эттирилмоқда. Шунингдек, тобора яқинлашиб келаётган Энг улуғ ва энг азиз байрам – Мустақиллик айёмининг 14 йиллигини муносиб қарши олишга ҳам тайёргарлик қизғин. Посбонлар қўйилган вазифаларни ғайрат билан адо этиш ва ҳушёрликни янада ошириш, қолаверса, ҳар қандай ногаҳоний хуружларни қатъий бартараф этишга доимо шай туриш, техника, қурол-яроғ сирлари ва касбий маҳоратларини янада оширишлари билан ушбу қувончли кунга ҳар бири муносиб совға ҳозирлашга интилишмоқда. Тантанага тайёргарлик режада белгиланганидек учрашувлар, маданий-маърифий тадбирлар, меҳр-мурувват, қадрият тамойиллари асосида бўлиши билан бирга, спорт ва жанговар санъат илмига доир кўргазмали чиқишлар уюштириш ҳам кўзланмоқда.

Бўлинманинг энг илғор взводи саналган капитан Оловиддин Сирожиддинов сардорлик қилаётган жамоа бу борада ҳам барчага ўрнак бўлиб келмоқда. Взводда нафақат ҳарбий ва жисмоний тайёргарликлардан пешқадамлиги, балки дунёқараши, интеллектуал даражаси юқорилиги, сафдошлари муаммоси-ю, жаҳон ва минтақадаги вазиятга ҳам бефарқ муносабатда бўлмаслиги каби жиҳатлари билан кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлган шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари– Алишер Одилов, Аброр Собиров, Ғуломжон Олимов ва Ашур Ҳакимовларнинг номини сафдош дўстлари ғурур билан тилга олишади. Ҳамма вақт ўз сўзига эга посбон йигитлар нафақат взводни, балки ҳарбий бўлинмани ҳам доим муваффақият сари бошлайдилар.

– Капитан Оловиддин Сирожиддинов командирлик қилаётган взвод жангчилари жисмоний ва жанговар шайлигининг юқорилиги, мустаҳкам тартиб-интизоми, ҳар қандай мураккаб топшириқни муваффақиятли адо этиши, ҳар бир посбоннинг тинимсиз ўз устида ишлаши, шу тариқа билим ва маҳоратини тинимсиз бойитиб бориши билан ҳам илғорликка муносибдир, – дейди бўлинма командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари майор Анвар Ҳакимов.

Қувонарли жиҳатларидан яна бири, мазкур взвод посбонлари китобхонлик нуқтаи назаридан ҳам илғорликни ҳеч кимга бермай келишаётган экан. Ҳарбий хизматчилар билан мунтазам ўтказиб келинадиган «Мен Мустақилликка нима бердим?», «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди», «Диний экстремизм мафкура кураши» ва бошқа мавзулардаги давра суҳбатларида фаоллик кўрсатишларидан, Юртбошимиз асарларини ўрганишда ҳам пешқадамлик қилишларидан уларнинг профессионаллик йўлида шаклланаётган миллий армиямиз посбони, деган шарафли номга муносиб эканлигини кўриш мумкин.

Ҳа, азиз муштарий. Бундай посбонлар билан ҳақли равишда фахрланса арзийди. Истар эдикки, илғорларимиз ҳеч қачон мағлубият нималигини билмай, бунданда юқори натижаларга эришаверсин. Парвозлар янаям юксакроқ кўтарилсин.

# ИЛҒОРЛИК ЯРАШАР ЙИГИТ МАРДИГА

Подполковник Шуҳрат Норимов командирлик қилаётган артиллериячилар қисмида ҳам мавсумий ўқув машғулотлари кўнгилдагидек олиб бориляпти. Қисм ҳарбийлари Қуролли Кучлар миқёсида ўтказиладиган барча ўқув-жанговар мусобақаларда фаол иштирок этадилар. Айниқса, майор Улуғбек Раҳимов етакчилик қилаётган дивизион ўзига хос кўпгина жиҳатлари билан бошқалардан устун эканликларини амалда кўрсатиб келмоқда. Яқинда ушбу дивизион жангчилари дала-ўқув машғулотларини муваффақиятли якунлаб, яна бир бор илғор деган фахрли номга сазовор бўлдилар.

– Ушбу дивизион таркибидаги пешқадам батарея сардори лейтенант Фирдавс Умаровнинг жамоаси нафақат дивизионнинг, балки қисмимизнинг ҳам фахридир, – дейди қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Нозимжон Абдураҳмонов. – Лейтенант Умаров қисқа давр мобайнида билимдонлиги, маҳорати, шахсий таркиб билан ҳар томонлама пухта иш олиб бора олиш каби қобилиятлари билан жамоада ўз ўрнини, таъбир жоиз бўлса, ҳурмат-эътиборини топди. Сардор деган номга лойиқ эканлигини кўрсатди. Бошқарув гуруҳи командири лейтенант Азизқул Ғаффоров ҳам ана шундай илғор офицерларимиздан. Унинг жамоасида ҳам юксак тартиб-интизом, соҳага меҳр, бурчга садоқат ва Ватанга муҳаббат туйғулари юксак кўринишларда акс этади. Унинг жамоаси ҳам артиллериячи қисмлар ўртасида ўтказиб туриладиган танлов ва мусобақаларда фаол иштирок этиш билан бирга, нуфузли натижаларни қайд этишади. Ҳар иккала командирни ўзаро мусобақадош, деб биламиз. Чунки улар сира бир-биридан ортда қолишни хоҳламайдилар. Лейтенант А.Ғафforовнинг жамоасида кичик сержант Ортиқ Туронов, муддатли хизмат оддий аскари Бекзод Тўраевларни аълочиларнинг аълочиси сифатида билишса, лейтенант Ф.Умаровга бўйсинувчи посбонлар орасидан кичик сержантлар – Нуржон Рашидов, Фарҳод Тожибоевлар энг намуналилардан саналишади. Улардан умидимиз катта.

Жамоада Мустақиллик байрамига тайёргарлик ҳам авжида. Билим юртлари, мактаб, маданият уйлари билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказиш, ҳарб илмига доир чиқишлар, мусобақалар уюштириш кўзланган. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари билан доимий алоқаларнинг йўлга қўйилгани, улар билан турли тадбирлар, учрашувлар ўтказилиб турилиши эътирофли жиҳат. Тартиб-интизомнинг мустаҳкамланишида бунинг ҳам аҳамияти ғоят муҳимдир.




Вслед за событием

# КАПИТАН ПОСТУПИЛ В АКАДЕМИЮ

**Казалось, совсем недавно мы сообщали своим читателям о выпуске в Академии Вооруженных Сил Узбекистана. Однако время неумолимо – на место вчерашних выпускников пришли новые слушатели, полные честолюбивых планов. Среди них и капитан Бахтиер Халиков, поступавший из Ташкентского военного округа.**

— Один из лучших наших офицеров, являлся заместителем командира горно-стрелкового батальона по воспитательной работе, — представил подчиненного командир части офицер Р.Джумаев. – Конечно, жалко было отпускать на учебу, но ведь именно таким перспективным офицерам и надо предоставлять возможность для служебного роста.

Закончив в 1999 году Ташкентское высшее общевойсковое командное училище, офицер Б.Халиков начал здесь службу в подразделении разведчиков. Позже, с учетом проявленных им высоких деловых и морально-волевых качеств, офицеру была доверена должность заместителя командира горно-стрелкового батальона. Если учесть специфику возложенных на данное подразделение учебно-боевых задач, то надо признать, что участок ему выпал очень серьезный. Ведь горные стрелки нередко находятся вдали от пункта постоянной дислокации части, занимаясь боевой учебой в отрыве от основных сил. Это требует особых подходов в организации процесса воспитания личного состава, выработке у воинов сильной воли и выдержки в различных так называемых нештатных ситуациях. И молодой офицер с честью справился с испытанием – батальон прочно занимает лидирующие позиции в соревновании на звание лучшего в части.

Настоящей большой проверкой профессионализма и мужества горных стрелков стал случившийся минувшей зимою сход снежных лавин на горном перевале Камчик. Одними из первых пришли на подмогу дорожникам горные стрелки – помогали расчищать завалы, освобождать из снежного плена рабочих, поддерживать в рабочем состоянии туннели, вели охрану всех важных объектов. В восстановлении в полном объеме надежного транспортного сообщения с областями Ферганской долины есть немалая доля и их труда.

Капитан Б.Халиков очень благодарен своему воинскому коллективу – ведь воспитывая своих воинов, он и от них перенимал все самые лучшие качества. Шел процесс взаимного духовного обогащения.

Еще одним важным элементом, позволяющим молодому офицеру полностью раскрыть свой потенциал, является семья. Супруга Нигора и дети Темурбек и Дурдона стали для главы семейства поистине надежным тылом, дающим заряд сил и энергии на новые успехи в ратном труде. Находясь на боевом посту в горах с оружием в руках, офицер отлично сознавал, что он охраняет мир и покой и своих домочадцев тоже.

Вернувшись в часть, для того чтобы сдать дела и должность преемнику, капитан Б.Халиков по привычке первым делом заходит в комнату общественно-политической информации. Беседу с глазу на глаз офицер считает главным средством воспитания воина. Если живешь жизнью родного коллектива, хорошо знаешь все его проблемы, то и в глазах солдата, сидящего перед тобой, легче читать даже невысказанное...

**Материалы полосы подготовили майор Аблай КАМАЛОВ, лейтенант Ёшин ХАКИМОВ, Камолиддин ТУРАЕВ (фото).**

Кўнгилга ташриф

# КУЙЛАРИДА ВАТАН МАДҲИ ЖАРАНГЛАР







Барчамиз учун энг севимли ва азиз, қадрли ва жонажон байрам бўлмиш Мустақиллик кунининг халқимиз томонидан кенг нишонланиши, шоду хуррамлик ва беҳад қувонч ила кутиб олинишига ҳам атиги бир ойча вақт қолди. Демак, ҳурлигимиз ва озодлигимиз, суверен давлат эканлигимиз айёми – 1 сентябрь куни умумхалқ байрамини ўн тўртинчи бор нишонлаш арафасида турибмиз.

Маълумки, Мустақиллик майдонида намойиш этилувчи, миллионлаб телетомошабинлар эътиборига ойнаи жаҳон орқали узатилувчи тантанали байрам дастуридан ҳарбий блок ўзига хос ўрин эгаллайди. Бир-биридан кўркам ва забардаст, алпқомат, салобатли Ватан ҳимоячилари билан бир қаторда ҳарбий санъаткорларимизнинг чиқишлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмаслиги аниқ. Ҳарбий-ватанпарварлик, она юртга меҳр ва садоқат, муқаддас бурч ҳамда юксак масъулият ҳақида тўлиб, юракдан куйлайдиган санъаткорлар борасида гап кетганда қутлуғ байрамимизда доим янги ижод намунаси билан иштирок этувчи саҳифамиз меҳмони, Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамблининг етакчи хонандаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Марат Ҳакимов ҳам албатта, тилга олинади. Зеро, ушбу серқирра ижодкорнинг кўплаб қўшиқлари аллақачон нафақат ҳарбийлар, балки турли ёшдаги ватандошларимизнинг севимли қўшиқларига айланган.



Айни кунда истеъфодаги майор Марат Ҳакимов ижоди, санъати тўғрисида сўз юритишдан аввал, у босиб ўтган ҳаёт йўли билан сиз, қадрли ўқувчиларимизни қисқача таништириб ўтсак.

Марат ака 1957 йил 30 март куни Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманида ишчи оиласида таваллуд топган. Ёшлик чоғларидан мусиқага меҳр қўйган тўрт фарзандли оиланинг кенжатойи Тошкент давлат санъат институтини тамомлаган. Талабалик давриданоқ вокалчилар ўртасидаги республика миқёсидаги ва бошқа турли халқаро танловларда иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритган. 1978 йили XI халқаро ёшлар ва талабалар фестивалига бағишлаб ўтказилган созандалар минтақавий кўрик-танловида биринчи мукофот совриндори бўлган.

«Ўзбекистон марши», «Ўзбекистон лочинлари», «Эй, она юрт, Туркистон», «Ўзбекистон ҳарбийлари», «Она эл мадҳи», «Она юрт», «Мангу шарафлар», «Истиқлол», «Байроғинг бошингда ҳилпирар», «Ватан меҳр қўрғони» сингари Ватанимиз, ҳарбийлик ва шу касбда фаолият кўрсатувчилар тараннум этилган қўшиқлар унинг бой репертуаридан ўрин эгаллаган.

Таъкидлаш жоизки, М.Ҳакимов гитара чалишни ҳам мукаммал ўзлаштирган ва романс йўналишидаги қўшиқлар ишқибозлари орасида ном таратган. Шунинг учун ҳам деярли ҳар йили ўтказиладиган яккахон концертларида нафақат зал ўриндиқлари, балки йўлаклар ҳам томошабин билан тўлади. Ахир кўпчилик унинг В.Высоцкий, Б.Окуджава, В.Цой сингари машҳур санъаткорлар репертуаридан жой олган ўлмас наволар намуналарининг маромига етказилган ҳолдаги ижросидан баҳраманд бўлишни истайди-да.

Марат Аҳмед ўғли билан бўлган суҳбатимизни унинг санъатга кириб келиши ҳақидаги саволдан бошладик.

– Мактабда ўқиб юрган кезларим «Лангар» вокал-чолғу ансамбли аъзоси бўлганман. Аслида ижодий фаолиятим ўша пайтдан илгарироқ бошланган. Мусиқа ўқитувчимиз Алла Колесниковани илк устозларимдан, менга тўғри йўл ва ўзлигимни, иқтидоримни намоён эта олишимда кўмакдош, маслаҳатгўй бўлган инсонлардан, деб биламан. Олий ўқув юртида таҳсил олганимда вокал сирларини, унинг нозик ва айни дамда мураккаб жиҳатларини ўргатган ўқитувчим Санобар Рўзматова, саҳна нутқи ва маданияти борасида сабоқ берган Лола Хўжаевалардан жуда миннатдорман.

**– Кейинчалик айнан ватанпарварлик мавзуларидаги қўшиқларнинг ижодингиздан муҳим жой эгаллашига нима сабаб бўлган?**

– Шундай йўналишдаги хонишларни севиб тинглардим. Улар мен учун жуда яқин, юрагим тўрига ўрнашиб, илҳом бағишлайдигандек, гўё. Армия ҳаёти ва у ердаги кайфият, руҳ менга яхши таниш. Чунки бир пайтлар ансамбль таркибида бўлса-да, муддатли ҳарбий хизматни ўтаганман.

Қолаверса, санъатнинг тарбиявий аҳамиятидан келиб чиқадиган бўлсак, унинг бир кўриниши сифатида қўшиқчилик ҳам инсонларга маънавий озуқа бериши шарт, деб ҳисоблайман. Ёшларимиз тарбияси, дунёқараши ва фикрлаши шакллануви ва камолотга етишувида куй-наволарнинг ҳам ўзига яраша ўрни, аҳамияти, керак бўлса, зарурати бор. Мен енгил-елпи, тутуруқсиз қўшиқларни назарда тутмаяпман, албатта.

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчи эдим. Шу йилнинг 13 майида Андижонда содир бўлган воқеаларга нисбатан Президентимиз фикр билдириб, ушбу мудҳиш террорчилик ҳаракатлари ва унинг оқибатларини бутун халқ фожиаси дегандилар. Назаримда, ҳар бир соҳада бўлгани сингари бу ерда санъаткорларнинг ҳам ўзига яраша камчилиги йўқ эмас. Сабаби, Ватанга, онага ва халққа муҳаббат, аждодлари, урф-одатлари, қадриятларига меҳр ва ҳурмат руҳида вояга етган ва айнан шундай руҳ сингдирилган қўшиқлар эшитиб камол топган инсоннинг бутун миллат, халқ эшитиб, кўриб ларзага келадиган, бегуноҳ ватандошлари ёстиғи қуришига сабаб бўладиган, шунингдек, нафақат ўзи, балки яқинлари, қавму қариндошлари номига доғ туширадиган, иснод келтирадиган ишга зинҳор ва зинҳор қўл урмаслигига ишончим комил.

**– Юқоридаги мулоҳазаларингиздан шу нарса аёнки, сизнингча бундай қўшиқларга эҳтиёж ва зарурат катта-ю, улар камчиликни ташкил этади.**

– Ҳа, шундай. Уларни имкон қадар кўпайтиришимиз ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларига алоҳида урғу беришимизни замоннинг ўзи талаб этяпти. Бу борада оммавий ахборот воситаларининг муҳим роль ўйнашини таъкидлаш жоиз. Айниқса, радио ва телеэфирлар орқали айтиб ўтилган мавзудаги қўшиқларни кўпроқ бериш самаралидир.

**– Мустақиллик майдонида сиз илк бор ижро этган «Ўзбекистон марши» қўшиғингизни ҳанузгача кўпчилик завқ билан тинглайди. Сир бўлмаса айтингчи, бу галги улуғ шодиёнага ижодкор сифатида мухлисларингиз, тингловчиларингиз учун ҳозирлаб қўйган совғангиз борми.**

– Бўлмасам-чи. Бунинг устига битта ҳам эмас. Шеъри Азиз Саид қаламига мансуб, мусиқасини Анор Назаров басталаган «Тўпчи аскар қўшиғи»ни халқимизга тақдим этаман. Қуролли Кучларимизда мавжуд қўшин турлари ҳақида алоҳида-алоҳида қўшиқ ижро этиш азалий ниятим эди. Билсангиз керак, репертуаримда учувчиларимизга бағишлаб айтилган «Ўзбекистон лочинлари» қўшиғи бор. Бу сафар эса тўпчилар тўғрисида. Шунингдек, сарҳадларимиз дахлсизлигини куну тун кўз қорачиғидек асраётган чегарачилар ва қўшинлар турлари ичра энг нуфузлиси ҳисобланувчи десантчиларга бағишланган қўшиқлар тақдим этишни мақсад қилганман.

Байрамга ҳозирлаган иккинчи совғам – дуэт. «Оллоҳ битта Ватан берган», дея номланувчи қўшиқни Диана билан биргаликда ижро этамиз. Ўйлайманки, бу чиқишларимиз ҳам барчага манзур бўлади, қўшиқлар эса юраклардан жой олади.

Суҳбатдошимиздан, армонингиз йўқми, дея сўраганимизда: «Йўқ. Бироқ режаларим кўп» деган жавобни олдик. Ҳа, унинг бу жавобидан кечираётган умридан кўнгли тўқлиги, танлаган йўлидан хурсанд, касбидан фахрланишини, ва фақат ижодкор сифатида ҳали қониқиш ҳосил қилмаганлигини фаҳмладим. Бу эса изланиш, ўз устида ишлаш, ижодий камолот чўққилари сари интилиш ва асосийси, ички ишончни англатади.

Маълумки, ижод аҳли учун илҳомланиш, ҳаётни ҳис этиш ва ундан завқ ола билишдан тўхташ улкан фожиага баробардир. Яқинда ўзининг эллик йиллик юбилейини нишонловчи, эзгу орзу-истаклари бисёр истеъфодаги майор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Марат Ҳакимовга муваффақиятлар, ижодий ютуқлар тилаб қоламиз.

Лейтенант
Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Ярослав КОРУКА
олган суратлар.

## СПОРТ КАЛЕЙДОСКОПИ

Дзюдо

### «СЕРЕБРО» АРМЕЙСКИХ АТЛЕТОВ

Сборная команда Вооруженных Сил Республики Узбекистан заняла второе место в чемпионате мира среди военнослужащих по борьбе дзюдо, проходившем в Санкт-Петербурге.

В упорной командной борьбе, где за первенство спорили мастера татами из 22 стран мира, наши спортсмены уступили лишь хозяевам состязаний. А третье место разделили между собой сборные Германии и Белоруссии.

Серебряные медали и Почетный кубок для нашей дружины завоевали младший сержант по контракту Михаил Соколов, рядовые по контракту Рамзитдин Сайидов и Уткур Салямов, рядовой срочной службы Кобил Ибрагимов, представители спортактива Вооруженных Сил Хуршид Набиев, Шамситдин Сайидов и Навруз Журакобилов. Радость успеха по праву разделил с питомцами наставник армейских дзюдоистов, заслуженный тренер Республики Узбекистан Борис Григорьев. Помимо этого, армеец М.Соколов завоевал также бронзовую медаль и в личном зачете в весе до 100 килограммов.

Бокс

### СПОРТЧИЛАРИМИЗ «ҚОРА ДЕНГИЗ КУБОГИ»ДА

Айни кунларда Севастопол шаҳрида бокс бўйича анъанавий «Қора денгиз кубоги» халқаро турнири бўлиб ўтмоқда.

Шуниси қувонарлики, ушбу турнирда Ўзбекистон терма жамоаси ҳам қатнашмоқда. Таниқли мураббий Шароф Худойбердиев етакчилигидаги Ўзбекистон терма жамоаси сафида Афина Олимпиадаси иштирокчилари Тўлашбой Дониёров, Шерзод Ҳусанов, Рустам Саидов, Беҳзод Хидиров, Дилшод Маҳмудов ҳамда Баҳодир Султоновларнинг борлиги қалбимизга ғурур бағишлайди. Шунингдек, ушбу турнирда умидли ёш чарм қўлқоп усталари ҳам Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишмоқда.

Оғир атлетика

### МАҚСАД – МУНОСИБ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Шу кунларда оғир атлетикачиларимиз Тошкент вилоятидаги «Чорбоғ» спорт-соғломлаштириш мажмуасида ўқув-йиғин машғулотларини ўтказишмоқда. Машғулотларда ёшлар ва ўсмирлар терма жамоаларининг 60 нафар аъзоси иштирок этмоқда. Барчасининг мақсади - шу йилнинг 16-26 август кунлари Осиё биринчилигида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш.

Футбол

### МАШҒУЛОТЛАР ХИТОЙДА ДАВОМ ЭТАДИ

Маълумки, Ўзбекистон ёшлар терма жамоасини англиялик футбол мутахассиси Колин Тоал бошқармоқда.

Осиё чемпионатининг саралаш баҳсларига қизғин ҳозирлик кўраётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Хитойга сафар уюштирди.

Ўқув-йиғин машғулотларини Хитойда давом эттирган ёшларимиз Чин мамлакати футболига яқиндан ошно бўлишди ҳамда маҳаллий клублар билан ўртоқлик учрашувлари ўтказишди.

Шуниси аҳамиятлики, бош мураббий Колин Тоал бу сафар «Пахтакор», «Машъал», «Трактор», «Навбаҳор», «Металлург», «Шаҳрихон», «Бухоро» жамоалари ҳамда Андижон Олимпия захиралари коллежи футболчиларидан иборат 21 нафар умидли ёшларни синаб кўришга аҳд қилди. Хитойда машғулотлар ўн кун давом этди.

### БОШ МУРАББИЙ ЎЗГАРДИ

Ўзбекистон миллий терма жамоаси жорий йил 17 август куни 2006 йил Германияда бўладиган жаҳон чемпионатига навбатдаги саралаш учрашувини Қувайт футболчиларига қарши ўтказади. Шу ўйинда қозонилган ғалабагина терма жамоамизни кейинги плей-офф босқичига олиб чиқади. Ҳал қилувчи ўйинга терма жамоамиз янги мураббий – англиялик Боб Хоутон бошчилигида майдонга тушади.

Ўзбекистон Футбол федерацияси ахборот-таҳлил бўлимидан олинган маълумотда айтилишича, Боб Хоутон шу кунга қадар Швеция, Канада ва Саудия Арабистони давлатларида ишлаган.

## ИНТЕРНЕТ-НОВОСТИ



### ВЫЗОВ ПРИНИМАЕТСЯ

Экс-чемпион WBO в супертяжелом весе Владимир Кличко готов принять вызов, брошенный ему не потерпевшим пока ни одного поражения нигерийцем Сэмюэлом Питером, и встретиться с ним в отборочном бою по версии Международной федерации бокса (IBF).

«Я принимаю его вызов, – заявил Кличко. – Я готов. Вопрос в том, готов ли Сэмюэл Питер? Он умеет говорить, но теперь пришло время подкрепить свои слова делом... Сейчас все зависит от Питера. Он говорил, что наступил момент истины. Мне не верится, что Сэмюэл Питер сможет принять эту истину. Если я неправ, мы можем провести бой».

По словам менеджера Кличко Бернда Бенте, промоутеру Питера было сделано предложение о проведении боя 24 сентября.



### ОЧЕРЕДНАЯ ПОБЕДА ИСИНБАЕВОЙ

Россиянка Елена Исинбаева одержала победу на этапе розыгрыша Супер Гран-при ИААФ по легкой атлетике, который прошел в шведском Стокгольме. Елена была награждена бриллиантом весом в 1 карат, который вручается каждому легкоатлету, установившему рекорд стадиона. Исинбаева на 1 сантиметр превысила рекорд арены в прыжке с шестом, установленный в 2002 году Светланой Феофановой и равнявшийся 4,78 м.

Исинбаева также пробовала побить собственный рекорд – 5 метров, который она установила 22 июля в Лондоне. Россиянка была близка к этому дважды, однако на этот раз высота 5,01 метра осталась непокоренной.



### ПРОПИСНЫЕ ИСТИНЫ ОПРОВЕРГНУТЫ

Жаркой дуэлью лидеров «Рено» и «Макларена» был отмечен британский уик-энд «Больших призов»: и в квалификации, и в гонке партии первых скрипок исполняли пилоты французской и британской команд. Поул завоевал лидер сезона Фернандо Алонсо из «Рено», а затем первым финишировал Хуан Пабло Монтойя из «Макларена».

В «Формуле-1» есть прописная истина: в первом повороте гонки не выигрываются. Так вот, вчера Монтойя ее с блеском опроверг.

«Гонка была выиграна мною в первом же повороте, – улыбался после финиша донельзя довольный победитель. – Я знал, что Фернандо не захочет идти на предельный риск, все-таки он ведет борьбу за титул чемпиона мира и ему есть что терять. Я же в этой игре не задействован, и мне терять абсолютно нечего, поэтому я и рискнул больше обычного».



### КОРОНА «ЧЕЛСИ» БЕЗ УКРАИНСКОГО БРИЛЛИАНТА

Пресс-служба лондонского футбольного клуба, принадлежащего российскому миллиардеру Роману Абрамовичу, официально опровергла информацию о возможном приобретении украинского форварда «Милана» Андрея Шевченко.

По предположению журналистов, в обмен на Шевченко в Милан должны были отправиться Эрнан Креспо либо Дидье Дрогба и еще 49 миллионов фунтов в придачу. Таким образом, общая сумма предложения превысила бы предыдущий рекордный трансфер, когда мадридский «Реал» заплатил итальянскому «Ювентусу» за французского плеймейкера Зинедина Зидана 46,5 миллионов фунтов. Кроме того, по данным британских СМИ, в Лондоне украинскому футболисту было обещано недельное жалование в размере 150 тысяч фунтов.

Подготовил майор З. ХАЙРИТДИНОВ.

Телеанонс

Ўзбекистон телевидениесининг I дастури орқали келаётган якшанба, яъни 31 июль куни соат 10.00да «Ватанпарвар» кўрсатувининг навбатдаги сони эфирга узатилади.

Тошкент ҳарбий округидаги қисмлардан бирида тасвирга олинган лавҳаларда посбонларнинг кундалик фаолияти, жанговар машқлар жараёни, замонавий жиҳозлар билан таъминланган машқ хоналари, Ватан ҳимоячиларининг тўлақонли ҳордиқ чиқаришлари учун яратилган шарт-шароитлар ва бошқалар акс эттирилган бўлиб, улар «Ватанпарвар»нинг асосий қисмидан ўрин эгаллаган. Шунингдек, «Юртнинг асл ўғлонлари» саҳифасида илғор командирлардан бўлмиш капитан Акмал Ортиқов ҳақида сўз юритилади.

Ҳарбий хизматчилар ҳамда оила аъзоларининг мактублари асосидаги табрик ва қутловлар дам олиш қисмидан ўрин олган.

Дам олиш куни кўрсатувни кўролмаган телетомошабинлар унинг такрорий намойишини «Ёшлар» телеканали орқали шанба, 6 август куни соат 10.00да томоша қилишлари мумкин.

## ТАФАККУР УММОНИ




Я. КОМИЛОВ тузди.

## ● ОБЪЯВЛЕНИЕ

· Куплю: холодильники, морозильники, шв.машинку, БК, газ.плиту. Тел.: 176 02 65.

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи подполковник Камиль МИРГАЛАУТДИНОВ.

Навбатчи гуруҳ:
Я. КОРУКА, А. САФАРОВ,
Х. ЗАЙНИЛОВ, Ё. ҲАКИМОВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 56 17 98 (факс); масъул котиб – 56 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 56 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 56 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 56 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 56 03 48; социология ва реклама бўлими – 56 54 76.

Обуна бўлими – 56 03 46. Навбатчи – 56 09 81.

Таҳририят манзили:
700031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Александр Смотриков ва Содиржон Масимов томонидан саҳифаланди.
Дизайн ва рассом – Наталья Лаптева.
«RASTR» ҚК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Юнусобод, Муродов кўчаси, 1-а.

Буюртма № 272 Р. Адади 19460.